

**САМАРКАНД ВИЛОЯТИ АНДИЖОН ШАҲРИ ШАРОИТИДА  
ЯШОВЧИ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР  
БУРУН ВА ПАСТКИ ЖАҒ СОҲАСИ ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ЎСИШ  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

*X.N.Raxmonova, assistent, Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti,  
Samarqand, Uzbekiston,*

*S.M.Muxitdinova, o'quvchi, Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti,  
Samarqand, Uzbekiston*

*I.S.Muxamadiev, o'quvchi, Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti,  
Samarqand, Uzbekiston*

**Аннотация.** Бурун индекси кўрсаткичи ўлчамини 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болаларда ҳам эриния (платириния) типидagi бурун ёки кенг бурунлилик ҳолатида эканлигини кузатиши мумкин. Натижалар шуни кўрсатдики, қиз болаларда бурун параметрлари ўғил болаларга қараганда ўрганилган ёшларда нисбатан кўпроқ ўзгаришларга юз тутди.

**Калит сўзлар.** Бош, мия соҳа, антропометрия, краниометрия, онтогенез, ўсиш динамикаси, пешона соҳа, калла қисмлари.

**Мавзунинг долзарблиги.** Калла суяги, унинг ўлчамлари ва шаклини, шунингдек уни ташкил этувчи алоҳида қисмларини ўрганиш антропология фанининг махсус бўлими – краниологиянинг асосий йўналишидир. Одам калла суягининг ривожланиш жараёнларини, шу жумладан калла суяги турлари ва шакллариининг оптимал таснифини аниқлаш, тиббий краниологиянинг ҳозирги даврдаги муҳим муаммосига айланиб улгурган. Калла суяги икки асосий қисмга бўлинади: мия қисми ва юз қисми. Мия қисмига пешона, тепа, чакка, энса, понасимон ва ғалвирсимон суяклар киради. Юз қисми эса юқори жағ, ёноқ, танглай, бурун, кўз ёш, пастки бурун чиганоғи, димоғ ва пастки жағ суякларидан иборат бўлиб, анатомияда тил ости суяги ҳам шу қаторига киритилади.

**Илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Андижон шаҳри шароитида яшайдиган кичик мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болаларнинг бурун ва пастки жағнинг ўсиш параметрларини аниқлаш.

**Илмий ишнинг материали ва текшириш услублари.** Илмий тадқиқотнинг материали сифатида Андижон вилояти халқ таълими муассасаларининг фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 44-, 46- ва 46-умумтаълим мактабларининг 1-6 синфларида таҳсил олаётган кичик мактаб ёши (7-12 ёш) даги жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом бўлган 300 нафар ўғил ва қиз болалар олинди. Баъзи муаллифларнинг таъкидлашича 7-12 ёшдаги болаларнинг морфологик ҳамда функционал кўрсаткичлари уларнинг календар ёшига боғлиқ. Текширишларни ўтказишда болалар Э.Г.Мартиросов (1982) тавсиясига асосан яъни ёши ва жинсига қараб алоҳида гуруҳларга ажратилди. Краниоетрик текшириш натижаларини тўғри баҳолаш мақсадида болаларнинг ёши Х.Г.Бутаев, К.С.Ладодо, И.Я.Конь, Я.Усмановлар (1985) томонидан тавсия этилган қуйидаги қоида асосида амалга оширилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Бурун баландлиги кўрсаткичини ўсиши 7-12 ёшдаги ўғил ва қиз болаларда бир маромда кечади. Ўғил болаларда 14 % ошса ( $4,03 \pm 0,15$  смдан  $4,60 \pm 0,08$  смга), қиз болаларда 13% га ошади ( $3,94 \pm 0,15$  см дан  $4,47 \pm 0,12$  см га ). Кўрсаткичларнинг энг жадал ўсиш даврлари ҳар иккала жинсдагиларда ҳам 7-10 ёшлар орасига тўғри келади. Бурун кенглигининг ўлчами 7 ёшда бўлган даврда иккала жинс вакилларида деярли бир хил бўлади. 7 ёшли ўғил болаларда  $2,47 \pm 0,13$  см га; 10 ёшда  $2,72 \pm 0,08$  смга ва 12 ёшда  $3,02 \pm 0,12$  смга тенг бўлса, 7 ёшдаги қиз болаларда  $2,35 \pm 0,08$  см га; 10 ёшда  $2,54 \pm 0,09$  смга ва 12 ёш қиз болаларда эса  $2,95 \pm 0,08$  см га тенг. 7-12 ёшгача бўлган давр орасида ўғил болаларда бу кўрсаткич 22 % га ошса, қиз болаларда эса 25 % га ортади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар иккала жинс вакилларида ҳам ўсишнинг жадаллашуви 7-10 ёшлар орасида кузатилади. 7 ёшли ўғил болалар бурун узунлиги  $3,45 \pm 0,03$  см бўлса, 10 ёшда  $3,75 \pm 0,04$  см ва 12 ёшда  $3,86 \pm 0,14$  см

гача катталашади. Қиз болаларда 7 ёшда  $3,30 \pm 0,34$  см; 10 ёшда  $3,54 \pm 0,04$  см ва 12 ёшда  $3,76 \pm 0,04$  см га тенглашади (жадвал 1). Ушбу давр мобайнида бурун узунлиги ўғил болаларда 12 % га ортса, қиз болаларда эса 14 % га ортади. Кўрсаткичлар ҳар иккала жинс вакилларида ҳам ўрганилаётган ёшларда бир маромда катталашини кузатиш мумкин.

Пастки жағ диаметри кўрсаткичи 7 ёшда ўғил ва қиз болаларнинг деярли тенг бўлади ( $9,37 \pm 0,09$  см ва  $9,25 \pm 0,15$  см), 10 ёшда ўғил болаларда кўрсаткич 3,3 % га ошса, қизларда 3,7 % га ошади. 7-12 ёшга бўлган даврдаги ўғил болаларда бу кўрсаткич 7,9 % га ортса, қизларда эса 7,1 % га катталашади.

Юз қисмининг чизиқли ўлчамларидаги жинсий тафовут юз қисмининг морфогенези тугаллангандан сўнг намоён бўлади [2].

Жинсий балоғатга етиш даврида калла суягининг шаклланишида эркаклар ва аёллар скелети орасида сезиларли фарқ кузатилади. Одам суякларининг қолдиқларини ўрганиш индивиднинг қайси жинсга тааллуқлиги тўғрисида етарли даража маълумот бера олади [3].

**Хулоса.** Калла суягининг пешона қисми краниоетрик кўрсаткичларида ҳар иккала жинсдаги кичик мактаб ёшидаги болаларда муттасил ўсиш жараёнини кузатиш мумкин. Кўрсакичларнинг ўсиши ўғил болаларда қизларга нисбатан жадалроқ кечади. Энг жадал ўсиш жараёнлари 7-10 ёшларга тўғри келади.

### **Адабиётлар**

1. Полкова И.А. Морфология крыловидно-верхнечелюстной щели при различной форме черепа у взрослых людей: Автореф. дис. канд. мед. наук. – Саратов, 2009.
2. Раимжанов Р.Р. Андижон вилояти Андижон тумани шароитида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларнинг краниоетрик кўрсаткичлари. Диссертация. – Андижон, 2015.
3. Саттибаев И.И. Физическое развитие детей дошкольного возраста, проживающих в условиях г. Андижана: Дисс. канд. мед. наук. – Андижан,